



### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 23<sup>th</sup> October 2024  
Online: 24<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

*Guilt, punishment, responsibility, object of the crime, commission, about the crime, failure to report, concealment, action, inaction.*

## FAILURE TO REPORT OR COVER UP A CRIME OBJECT AND ITS CHARACTERISTICS

**Erkhanov Jasur Abdumurad ogli**

General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan  
senior prosecutor of the department  
jasurerhon721@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986309>

### ABSTRACT

*This article describes the object of non-reporting or concealment of a crime and its characteristics. Also, in the article, the author analyzed the theoretical views of scientists related to the object of not reporting the crime or hiding it, and gave his thoughts and comments.*

## НЕСООБЩЕНИЕ ИЛИ СОКРЫТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ОБЪЕКТ И ЕГО ХАРАКТЕРИСТИКИ

**Эрхонов Жасур Абдумурод ўғли**

Генеральная прокуратура Республики Узбекистан  
старший прокурор управления  
jasurerhon721@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986309>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 23<sup>th</sup> October 2024  
Online: 24<sup>th</sup> October 2024

### KEYWORDS

*Вина, наказание, ответственность, объект преступления, совершение, о преступлении, недонесение, сокрытие, действие, бездействии.*

### ABSTRACT

*В данной статье рассмотрен объект сокрытия или сокрытия преступления и его характеристики. Также в статье автор проанализировал теоретические взгляды ученых, связанные с объектом сокрытия преступления или его сокрытия, и высказал свои мысли и комментарии.*

## ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

**Эрхонов Жасур Абдумурод ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
бошқарма катта прокурори  
jasurerhon721@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13986309>



## ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> October 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> October 2024

Online: 24<sup>th</sup> October 2024

## KEYWORDS

*Айб, жазо, жавобгарлик, жиноятнинг объекти, содир этиш, жиноят ҳақида, хабар бермаслик, яшириш, ҳаркат, ҳаркатсизлик.*

## ABSTRACT

*Мазкур мақолада жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг объекти ва унинг ўзига хос белгиларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада муаллиф жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг объекти билан боғлиқ олимларнинг назарий қарашларини таҳлил этиб, ўз фикир ва мулоҳазаларини бериб ўтган.*

Бизга маълумки, Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркиби жиноятнинг объектив (жиноятнинг объекти ва объектив томони) ва субъектив белгилари (жиноятнинг субъекти ва субъектив томони)дан иборат эканлиги қайд этилган. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг объектив белгиларини ёритар эканмиз, энг аввало, унинг объекти масаласига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, ҳар қандай жиноятнинг объекти горизантал (умумий, махсус, турдош ва бевосита объектлар) ва вертикал йўналиш (бевосита асосий, бевосита қўшимча ва бевосита факультатив объектлар) бўйича турга ажратилади.

Умумий объект деганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади<sup>1</sup>. Бу мажмуа ЖК 2-моддасида назарда тутилган объектлардир. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг умумий объекти ҳам мазкур моддага асосланади.

Айрим олимлар тадқиқ этилаётган жиноятнинг махсус объектини жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар деб баҳоласа, бошқалари одил судлов жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатлар, деб баҳолайди. Албатта, иккита ҳолатда ҳам маълум доирада қўшилишимиз мумкин бўлган жиҳатлар мавжуд. Жумладан, биринчи ҳолат юзасидан фикр билдирсак.

Маълумки, жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолатини ифодаловчи тушунча<sup>2</sup>. Бошқа таърифга назар ташласак, жамоат хавфсизлиги – бу ижтимоий ҳаёт кечириш учун хавфсиз шарт-шароитлар, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини, барча давлат ёки жамоат тузилмалари нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар<sup>3</sup>. Бир жиҳатдан жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш учун жавобгарлик белгиланишининг энг муҳим

<sup>1</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. – Б. 141.

<sup>2</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. – Б. 167.

<sup>3</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 9.



мақсади жамоатни жиноятдан ҳимоялашдек туюлади. Аммо, бу мақсад ЖК 2-моддасида назарда тутилганидек, ЖК барча нормаларининг, бошқача айтганда, бошқа турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишининг ҳам бирдек мақсадидир.

Биринчи нуқтаи назардан ёндашсак, биз барча турдаги жиноятларни жамоат хавфсизлигига қарши жиноят деб баҳолашимиз лозим бўлади. Шу сабабдан ҳам, бу фикр нотўғри, зеро, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш, энг одил судлов манфаатларига зиддир. Аммо, мазкур жиноятнинг махсус объекти одил судлов жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, деб қараш ҳам нотўғри.

Сабаби, одил судлов фаолияти бевосита судлар томонидан амалга оширилади. Судлар эса, учта ҳокимият тармоғининг бир бўғнидир. Қайсидир жиноят одил судлов фаолиятига қарши қаратилдими, ўз навбатида ҳокимият органлари фаолиятига қарши жиноят сифатида баҳоланади. Аммо, ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-моддаси), ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш (ЖК 219-моддаси) каби яна бир қатор жиноятлар ҳам борки, улар ҳам жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишдаги каби ҳокимият органларининг нормал фаолиятини издан чиқаради.

Лекин, биз уларни одил судловга қарши жиноят деб атай олмаймиз. Бундан кўринадики, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг махсус объекти юзасидан билдирилган иккинчи ёндашув, яъни “одил судлов жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар унинг махсус объекти” мазмунидаги ёндашув ҳам нотўғри.

Бизнингча, бу ҳолат қўйидагича ҳал қилиниши лозим. Яъни, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг махсус объекти ҳокимият органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади, одил судлов жараёнида юзага келадиган муносабатлар эса, унинг турдош объекти сифатида қаралаши лозим.

Шулардан келиб чиқиб, мазкур жиноятнинг бевосита объекти масаласига тўхталсак. М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, махкур жиноятнинг бевосита объекти – одил судловни амалга ошираётган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг бир меъёрдаги фаолиятдан иборат бўлган ижтимоий муносабатлар<sup>4</sup>. З.Х.Фулумов<sup>5</sup> ва М.М.Кадиоров<sup>6</sup> ҳам шунга яқин фикр билдиришган. С.А.Денисов жиноятни яширишнинг бевосита объекти сифатида одил судлов органларининг айбдорларни фош қилиш ва ўта оғир жиноятларга доир ишларни тергов қилиш борасидаги нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатларни<sup>7</sup> белгилайди. Жиноят ҳуқуқидан дарсликларда ҳам шунга ўхшаш ёндашувга дуч келиш мумкин<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 388.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Х.Фулумов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 303.

<sup>6</sup> Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть: Учебник. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 316.

<sup>7</sup> Комментарий к УК РФ с постановочными материалами и судебной практикой. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 387.

<sup>8</sup> Масалан, Комментарий к Уголовному кодексу Кыргызской Республики. – Бишкек, 2002. – С. 541.; Комментарий к УК РФ. – М., 2000. – С. 757.; Мельниченко А.Б., Радачинский С.Н. Уголовное право. Учебное



Масалан, А.Б.Мельниченко, С.Н.Радачинский тахрири остидаги жиноят ҳуқуқи бўйича дарсликларда одил судловга қарши жиноятларни бевосита объектига кўра беш гуруҳга ажратиш таклиф қилинади. Бу ерда жиноятни яшириш органларнинг жиноятларни ўз вақтида тўхтатиш ва очиш борасидаги фаолиятига тажовуз қилувчи жиноятлар қаторига киритилади<sup>9</sup>. В.Ю.Шарая одил судловга қарши жиноятларни олти гуруҳга ажратар экан, олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликни конституциявий, процессуал мажбуриятларни ёки суднинг ҳукмини бажаришдан бош тортиш орқали тергов қилишнинг белгиланган тартибига тажовуз қилиш белгиси билан бирлаштирилган жиноятлар гуруҳига киритади<sup>10</sup>.

Шундай қилиб, жиноятга дахлдорликнинг бир тури сифатидаги яширувчиликнинг объекти сифатида тегишли давлат органларининг жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш ва очиш борасидаги фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни белгиловчи муаллифларнинг фикри<sup>11</sup>, бизнинг назаримизда, тўғри ҳисобланади ва жиноят ҳуқуқида етакчилик қилади.

И.С.Тишкевичнинг жиноятни яширувчилар – бу жиноятчи содир этган ҳуқуқбузарлик изини, баъзан эса, унинг ўзини яшириш йўли билан унга жавобгарликдан қутулиб қолишга ёрдам берувчи шахслардир ва ўзларининг бу ҳаракатлари билан улар одил судлов манфаатларига катта зарар етказиши, жазонинг муқаррарлиги принципини амалга оширишга монелик қилади, деган фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. В.Г.Трифонов шундай деб ёзади: “В.Г.Смирнов қайд этишича, жиноятни яширувчилар “давлатнинг жиноий тажовузга қарши кураши”га монелик қиладилар.

Ш.С.Рашковская тажовуз объекти – бу “суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг жиноятни очиш ва жиноятчини фош қилиш борасидаги нормал фаолиятидир”, деб конкретлаштиради<sup>12</sup>. А.Пионтковский ҳам олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликнинг объекти сифатида одил судлов органларининг нормал фаолиятини белгилаган, “чунки яширувчилик жиноятни очиш ва айбдорларни фош қилишни қийинлаштиради. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси айнан шу объектга тажовуз қилиниши билан белгиланади. Аммо, яширувчилик бошқа

---

пособие. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 387.; Федоров А.В. Преступления против правосудия (вопросы теории, понятие и классификация). – Калуга, 2004. – С. 182.

<sup>9</sup> Мельниченко А.Б., Радачинский С.Н. Уголовное право. Учебное пособие. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 354. Бу ҳақда яна Лобанова Л.В. Преступления против правосудия: теоретические проблемы классификации и законодательной регламентации. – Волгоград: Изд-во Волгоградского государственного университета, 1999; Гаранина М.А. Система преступлений против правосудия (формирование и развитие): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1995; Чучаев А.И. Преступления против правосудия: Научно-практический комментарий. – Ульяновск, 1997; Денисов А.А. Актуальные проблемы уголовной ответственности за преступлений против правосудия: Дисс. ...докт. юрид. наук. – СПб., 2002 ва бошқ.

<sup>10</sup> Шарая В.Ю. Объект преступлений против правосудия. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – С. 19.

<sup>11</sup> Баймурзин Г.И. Ответственность за прикосновенность к преступлению. – Алма-Ата, 1968. – С. 10–11.; Трифонов В.Г. Заранее не обещанное укрывательство преступлений и несообщение о них как виды прикосновенности к преступлению. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – С. 16.; Семькина О.И. Ответственность за укрывательство преступлений по уголовному праву России. Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 62. ва бошқ.

<sup>12</sup> Трифонов В.Г. Заранее не обещанное укрывательство преступлений и несообщение о них как виды прикосновенности к преступлению. Дисс. ...канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – С. 84.



объектларга дахл этмасдан, айна вақтда бошқа, баъзи ҳолларда оғир жиноятларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратиши туфайли яширувчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сезиларли даражада ошади<sup>13</sup>.

Юқоридаги олимларнинг фикрларини ўрганиш асосида тадқиқ этилаётган, яъни жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг бевосита объекти одил судлов фаолиятини амалга оширувчи суд, прокуратура, дастлабки тергов, тезкор-қидирув фаолияти ва суриштирув органларининг нормал иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади, деб айтиш мумкин.

ЖК 241-моддаси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида жиноят ҳақида хабар бермаслик, иккинчи қисмида жиноятни яшириш учун жавобгарлик белгиланган. ЖК 241-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермасликдан иборатдир. “Хабар бермаслик деганда, ўз фаолияти муносабати билан ёхуд бошқа сабабларга кўра қандайдир шахслар оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишга тайёргарликлик кўрилаётганлиги ёхуд тамом бўлган жиноятдан хабар топган шахснинг шу ҳақдаги ахборотни давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига етказмаслигини тушуниш зарур”<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 241-моддаси диспозициясининг мазмунига биноан, кўриб чиқиладиган жиноят формал таркибга эга ва тегишли ҳаракатлар яширувчи томонидан содир этилган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади. Яширувчилик айрим ҳолларда битта аниқ ҳаракатда ифодаланиши мумкин, лекин баъзан у давомли жиноятни ўзида ифодалайди (масалан, айбдор жиноятчини узоқ муддат мобайнида яширади ёки ўғирлик молларни ўз уйида сақлайди)<sup>15</sup>. Шу муносабат билан олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликнинг бошланган ва тамом бўлган пайтларини аниқлаш биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки айрим ҳолларда мазкур ҳолатлар жиноий жавобгарликка жалб қилиш муддатларининг ўтишини ҳисоблашга таъсир кўрсатади. Жиноятчини ёки жиноятнинг изларини яширишга қаратилган фаол ҳаракатларни содир этганлик, эришилган мақсадлардан қатъи назар, кўриб чиқиладиган жиноят бошланган пайт деб ҳисобланиши лозим. Токи айбдор жиноятчини, содир этилган жиноят қуроллари ва воситаларини, жиноят излари мавжуд бўлган предметлар ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган предметларни яширишда давом этар экан, олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик ҳам давом этади.

Умумий қоидага кўра, формал таркибли жиноят сифатидаги яширувчиликнинг тамом бўлган пайти бир қатор ҳолатларга боғлиқ бўлиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: яширувчининг ўз ихтиёрига кўра ҳаракатларини тўхтатиши; ҳаракатчининг ҳаракати жиноятни давом эттиришга монелик қилувчи реал воқелик

<sup>13</sup> Курс уголовного права. Под ред. Пионтковского А.А. Т. 4. – М., 1970. – С. 175.

<sup>14</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 388.

<sup>15</sup> Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. – Казань, 1984. – С. 49.; Комментарий к Уголовному кодексу КР / Т.А.Асаналиев, А.Ж.Каримбеков, К.А.Осмоналиев. – Бишкек, 2002. – С. 541.



ҳодисалари ва воқеалари таъсирида тўхташи; қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг юз бериши<sup>16</sup>.

Олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликдан ихтиёрий қайтиш имконияти тўғрисидаги масала ҳам ўз ечимини талаб қилади. М.Х.Хабибуллин бу масалани ёритар экан, формал таркибли жиноятларда қилмишни содир этганлик фактининг ўзи бундан кейинчалик бирон-бир оқибатлар келиб чиққани ёки келиб чиқмаганидан қатъи назар, тамом бўлган жиноят таркибини ўз ичига олишини қайд этади. Олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик формал таркибли жиноят бўлгани боис, ундан ихтиёрий қайтиш тўғрисида гап барча ҳолларда ҳам бориши мумкин эмас. Олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликда ундан ихтиёрий қайтиш асосий жиноят содир этилганидан сўнг жиноятчини ёки жиноятнинг изларини яширишни ваъда қилиш билан яшириш фактининг ўзи ўртасида вақтда узилиш содир бўлган ҳолларда мавжуд бўлиши мумкин<sup>17</sup>. Муаллиф ўз фикрини давом эттирар экан, жиноятчини ёки жиноятнинг изларини бевосита яширишга қаратилган ҳаракатлар содир этилганидан сўнг бу қилмишлар тамом бўлган деб ҳисобланиши боис, субъектнинг кейинги ҳар қандай фаолияти жиноятдан ихтиёрий қайтишни эмас, балки ўз қилмишидан пушаймон бўлишнинг фаол кўринишини, масалан, ўз айбига иқрор бўлиб келиш, жиноятни очиш ва айбдорни ушлашга кўмаклашиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлишни ўзида ифодалайди. Умумий қоидага биноан, кўрсатиб ўтилган ҳолатлар суд томонидан жазо тайинлаш пайтида ҳисобга олиниши лозим, айрим ҳолларда эса, содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатларини ва яширувчининг шахсини инобатга олганда, айбдор шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин<sup>18</sup>. Жиноятни яшириш учун жавобгарлик назарда тутилган моддага эслатмада жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида яширувчининг ўз қилмишидан пушаймон бўлиб арз қилишини назарда тутишни, унинг амал қилишини вақт билан чеклашни таклиф қилади: у дастлабки тергов органлари томонидан иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар мавжуд бўлиши керак<sup>19</sup>. Мазкур қоида жиноятларни фош қилиш кўрсаткичларини ва айбдорларни фош қилишнинг самарадорлик даражасини ошириш имконини беради. Шу билан бир вақтда, жиноятга дахлдорлик кўринишларига қарши курашиш ғоясини янада кенгайтиришга хизмат қилади<sup>20</sup>. Айни ҳолда жиноят қонунининг рағбатлантирувчи роли, албатта, чин кўнгилдан пушаймон бўлишга даъват этишда намоён бўлмайди. Бунга жиноят-

<sup>16</sup> Хабибуллин М.Х. Ответственность за укрывательство преступлений и недоносительство по советскому уголовному праву. – Казань, 1984. – С. 50.

<sup>17</sup> Ўша ерда. – Б. 53.

<sup>18</sup> Хабибуллин М.Х. Кўрсатилган асар. Ўша ерда; Гришанин П. Ответственность за укрывательство преступлений и недонесение о них // Советская юстиция. №15. 1975. – С. 22.

<sup>19</sup> Косякова Н. Укрывательство преступления и преступника // Законность. 1998. №10. – С. 39–40.; Косякова Н.С. Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2001. – 17-б.; Малько А.В., Киселева О.М. Институт правового поощрения в России: историко-юридический аспект // Правоведение. №3. 1999. – С. 32–41.

<sup>20</sup> Косякова Н.С. Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2001. – С. 6. Мурозазлик ғояси, Л.Брусницин фикрига кўра, шу жумладан жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий санкцияларни кўлламасликни (сезиларли даражада енгиллаштиришни) назарда тутати (Брусницын Л. Поощрение за сообщения о преступлениях // Законность. 2000. №2. – С. 32, 33.).



хуқуқий воситалар билан эришиш мумкин бўлмаса керак. Айни ҳолда чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг сиртдаги ифодаси рағбатлантирилади ва у одил судлов вазифаларини ҳал қилиш учун муҳим аҳамият касб этади<sup>21</sup>. “Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлишнинг фаол кўриниши, деб ёзади С.Никулин, жиноят содир этган шахснинг ижтимоий-фойдали ҳаракатлари сифатида, қилмишнинг зарарли оқибатларини камайтиради, ҳам айбдор шахсининг, ҳам жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтиради, уни тезроқ ва тўлиқроқ очиш учун шарт-шароитлар яратади”<sup>22</sup>.

А.В.Барков фикрига кўра, жиноятларни содир этишда айбдор бўлган, лекин кейинчалик мазкур жиноятларни очишга фаол кўмаклашган шахсларга муайян “имтиёзлар” бериш жазонинг муқаррарлиги принципига зид келмайди, балки ушбу принципни рўйбга чиқариш воситаси ҳисобланади ва бунинг натижасида жиноятлар очилишининг янада самарадорлигига эришилади<sup>23</sup>.

Хулоса қиладиган бўлсак, кўриб чиқиладиган моддага олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу айбдор билан мурасага келиш ғоясидан фойдаланиш доирасини кенгайтиради, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятларнинг латенлик даражасини пасайтиришга кўмаклашади.

<sup>21</sup> Лобанова Л.В. Преступления против правосудия: теоретические проблемы классификации и законодательной регламентации. – Волгоград: Изд-во Волгоградского государственного университета, 1999. – С. 14–15.

<sup>22</sup> Никулин С. Уголовный закон о деятельном раскаянии // Социалистическая законность. 1982. №3. – С. 63.

<sup>23</sup> Барков А.В. Уголовно-правовые средства, стимулирующие раскрытие преступлений. Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Минск, 1977. – С. 11.